

Рашид Зоҳидов

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ  
АСАР ТАҲКИКИ



АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИД ЗОҲИДОВ

# ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ АСАР ТАҲҚИҚИ

монография

тўлдирилган ва  
қайта ишланган 2-нашри



«Yashil yul» nashr-matbua uy'i  
Тошкент – 2021

**Масъул муҳаррир:**  
ф.ф.д. Ш. Сирожиддинов

**Тақризчилар:**  
ф.ф.д. Б. Каримов,  
ф.ф.д. Қ. Пардаев

Ушбу монографияда XVII–XVIII аср биринчи ярмида яшаб, илмий-адабий фаолият юритган Сўфи Оллоёр шахси ва унинг илмий-адабий мероси, хусусан, “Саботул оживзин” асари биографияси таҳқиқий йўналишда, яъни бирламчи манбалар асосида ўрганилган. Жумладан, Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли манбаларининг ишончлилиги нисбатини аниқлаш, “Саботул оживзин” асарининг уч асрлик ўрганилиш тарихида миқдор ва сифат кўрсаткичининг хронологик тадрижини еритиш ва илмий-маърифий асарларнинг адабиётдаги ўрнини белгилаш каби масалаларнинг комплекс таҳқиқи амалга оширилган.

Монография филолог мутахассислар, адабиёт ўқитувчилари, адабий манбашўнослик ва матншўнослик, адабиётшўнослик ва тилшунослик ихтисослиги бўйича таълим олаётган докторант тадқиқотчи-изланувчилар, магистр, бакалавр талабалари ва Сўфи Оллоёр ижоди билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий кенгашининг 2020 йил 24 июндаги 3-сонли мажлиси қарори билан нашрда тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6563-4-5

© Р.Зоҳидов, 2021

© «Yashil yul» nashriyat markazi, 2021.

## СЎЗБОШИ

*Кейинги йилларда номлари тикланган Аҳмад Яссавий, Баҳроуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий каби алломаларимизнинг илмий меросини ўрганиш баробарида яна юзлаб буюк даҳоларимизни кашф этдик. Ҳар бир алломанинг қадрсизланган номи, унинг жаҳон тамаддуни ёки Ислоом илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси аниқланган сари, халқимизнинг буюк тарихи сайқалланиб, тарих босқичларида рўбарў келган бузғунчи мафкуралар, назариялар, фалсафий оқимлар шиддатига кўксини қалқон қилган мард ўғлонлари беҳисоб эканлиги ўзини янада равшанроқ намоён этмоқда.*

Шундай инсонлардан бири XVII–XVIII асрларда яшаб ўтган юртдошимиз, илоҳиёт олими, мутафаккир ва шоир Сўфи Оллоёрдир. Ушбу монографик тадқиқотда Сўфи Оллоёр шахси ва асарлари биографиясига оид бир қатор янги маълумотлар илмий истифодага олиб кирилган. Сўфи Оллоёр биографияси билан боғлиқ энг қадимий манба – XVII аср охирида Саййид Муҳаммад